O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SENATORLAR PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 10 февраль, № 28 (3827) Жума

БУЮК ДАҲОГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтган тадбирда жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, талабалар, юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Абдулла Орипов истиқлол йилларида Алишер Навоий даҳосига эҳтиром кўрсатиш, асарларини чуқур ва мукаммал ўрганиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади. Зеро, ул зот ўз асарларида тараннум этган эзгу ғоялар мустақил Ватанимизнинг бугунги ҳаёти, озод халқимизнинг истиқболли орзу-мақсадларида ўз ифодасини топмоқда.

Навоийшунос олим Қодиржон Эргашев, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин, шоир Мирпўлат Мирзо ва бошқалар Алишер Навоий мероси нафақат халқимиз, бутун башариятнинг бебаҳо маънавий мулкига айланганини қайд этдилар. Айни пайтда улуғ мутафаккир ўз асарларида тараннум этган эзгу ғоялар бутун инсониятни тинчликка, ҳамжиҳатликка даъват этиб келаётир.

Тадбирда буюк шоир асарларидан намуналар янгради. Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

***

Шу куни пойтахтимиздаги шоир номи билан юритилувчи кўчада — Шоирлар хиёбонида мушоира бўлиб ўтди.

Алишер Навоий ҳазратлари таваллуд кунига бағишланган учрашувлар, анжуман ва кечалар юртимизнинг барча вилоятлари, олий ўқув юртлари, кутубхоналар, маънавият масканларида давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

Тошқин ва сел оқимлари келтириши мумкин бўлган зарарни камайтириш, кўчкиларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ва бу борада олиб борилаётган муҳофаза ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қор кўчишлари, тошқин ва сел оқимлари хавфсиз ўтишини таъминлаш, кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳукумат комиссияси (бундан кейин — Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси) таркиби тасдиқлансин.

2. Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси:

бир ҳафта муддатда 2006 йил баҳор-ёз даврида қор кўчишлари, тошқинлар, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича асосий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда унинг бажарилишини таъминласин;

2006 йил 15 мартгача Ўзгидромет ва Давлат геология қўмитасининг тегишли хизматлари маълумотлари асосида хавфли ҳудудларда жойлашган хўжаликлар рўйхатини белгиласин ва уни мунтазам аниқлаштириб борсин, мазкур ҳудудларда яшайдиган аҳолини вақтинча кўчириш ёки (зарурат бўлса) республиканинг хавфсиз ҳудудларига доимий яшаш учун босқичма-босқич кўчириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

аҳоли ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича режада кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг муассаса ва ташкилотлари самарали ҳамкорлик қилишини ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминласин.

3. Ўзгидромет (В.Чуб) ва Давлат геология қўмитаси (Н.Аҳмедов):

2006 йил 20 февралгача Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясига, вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимликларига хавфли ҳудудларда жойлашган хўжаликлар, аҳоли пунктлари ва одамлари вақтинчалик кўчирилиши ёки кўчириб кетилиши зарур бўлган бошқа объектлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсин, шунингдек, муҳандислик-техникавий муҳофаза чора-тадбирларини ўтказиш бўйича таклифлар берсин;

гидрометеорологик вазият ва геологик жараёнларнинг узлуксиз мониторингини ташкил этсин ва амалга оширсин, бунда А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг "Қамчиқ" довонидаги қисмига алоҳида эътибор қаратсин, хавфли ҳудудларга тушиб қолган янги объектлар тўғрисида зудлик билан ахборот тақдим этилишини таъминласин;

ёзги таътиллар ва мактаб таътиллари мавсуми бошланишидан олдин болалар соғломлаштириш лагерлари, санаторийлар, дам олиш уйлари, сайёҳлик базалари ва пансионатлар жойлашган ҳудудларни муҳандислик-геологик текширувдан ўтказсин. Зарур бўлганда, объектларни вақтинча ёпиш ёки керакли муҳофаза чораларини амалга ошириш тўғрисида ёзма равишда кўрсатмалар киритсин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, объектлари ва хўжаликлари хавфли ҳудудларда жойлашган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фуқаролар томонидан аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриш тўғрисидаги тегишли огоҳлантириш ва кўрсатмаларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилишни таъминласин;

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор миллий-маданий марказлар ташаббуси билан Республика Байналмилал маданият марказида Навоий бобомизнинг 565 йиллигига бағишлаб катта адабий-мусиқий учрашув ўтказилди. Ўттиздан зиёд миллат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган ушбу учрашувда таниқли навоийшунос олимлар, шоирлар ва санъаткорлар иштирок этдилар.

ДИЛЛАРГА ПАЙВАНД ТУЙҒУ

Кеча аввалида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев Алишер Навоий ғазалига басталанган мумтоз куйни ижро этганида иштирокчилар гўёки ҳазрат Навоийнинг ғазалиёт дунёсига янада чуқурроқ кириб боргандек бўлдилар.

Таниқли навоийшунос олим, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олимов, шарқшунос олим, тарих фанлари доктори Абдулҳаким Жуззжоний, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, Республика Байналмилал маданият маркази директори, шоир Насриддин Муҳаммадиев, шоира Шафиқа Ёрқинларнинг чиқишлари йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

Учрашувнинг бадиий қисмида эса Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шукур Ғафуров Навоий ғазалларига басталанган мумтоз қўшиқлар ва "Дилором" операсидан ариялар ижро этдилар.

Миллий-маданий марказлар бадиий жамоалари томонидан тайёрланган композициялар, айниқса, Республика Рус миллий-маданий маркази хузурида фаолият кўрсатаётган "Истоки" бадиий-ижодий уюшмаси аъзолари Владимир Кудрявцев, Елена Пашева, Павел Кудрышев, Тамара Васильева, Валерий Казанжанц, Светлана Вдовиналар ва "Ориёно" Тожик миллий-маданий маркази бадиий ҳаваскорлари ижросидаги шеър ва қўшиқлар, шунингдек, қатор кўрик танловлар совриндори, таниқли қозоқ оқини Қулмаҳан Мекенбаевнинг чиқишлари юртимизда дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг барқарор эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Учрашувда Навоий ғазалларининг рус, тожик, қирғиз, қозоқ, татар ва бошқа қатор тилларидаги таржималаридан намуналар ўқилди.

Муножотхон НУРМАТОВА,
Дилноза АБДУЛЛАЖОНОВА.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Намгарчилик кам, қурғоқчил иқлим зонасида жойлашган ва суғорма деҳқончиликка ихтисослашган мамлакатимизнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётида она табиатнинг оби ҳаётдек беназир неъмати ниҳоятда қадрли ва бебаҳодир.

"Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш. Муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуида парламентнинг юқори палатасида бўлиб ўтган семинар Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ташкил этилган бўлиб, у сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий йўналишдаги муҳим масалаларига бағишланди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа бир қанча норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Ана шу қонунларни рўёбга чиқариш йўлида анчагина ишлар амалга оширилди ва ошириб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ва уни тўғри бошқариш, суғорма деҳқончиликда замонавий технологиялардан кенг кўламда фойдаланиш ўз самарадорлигини кўрсатди. Ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий принципидан ҳавза бошқаруви принципига ўтилганлиги, шунингдек суғориладиган сувдан фойдаланишнинг барча босқичларида бозор муносабатлари жорий этилганлиги шулар жумласидандир.

Сув хўжалиги соҳасида амалга оширилган ана шу ўзгаришлар натижасида кейинги йилларда сувдан самарали фойдаланишда, сув сифатини яхшилашда, дарёларнинг ҳамда очиқ сув ҳавзаларининг тозалиги ва мусаффолигини сақлашда анчагина салмоқли натижаларга эришилди.

Семинар давомида сувдан фойдаланиш ҳамда сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги мавжуд камчиликлар ва муаммолар ҳам таъкидлаб ўтилди. Чунончи, айрим саноат ва коммунал хўжалиги корхоналарининг тозалаш иншоотлари иши кам самара бераётганлиги оқибатида жойлардаги рельефларга, ирригация шохобчаларига ва бевосита дарё ўзанларига оқова сувлар чиқариб ташланишига йўл қўйилмоқда.

Ер ости минерал сувларидан санитария-муҳофаза лойиҳаларисиз, технология схемаларисиз, баъзан эса амал қилиш муддати ўтиб кетган рухсатномалар ва техник лицензиялар билан фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб қолмоқда. Иккиламчи минерал сувдан кўпинча тегишли ҳужжатларсиз фойдаланилмоқда.

Айдар-Арнасой кўллари тизимидаги вазият ҳамда Оролбўйи минтақасини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари ҳам семинар иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги мавжуд қонун ҳужжатларини, хусусан бу ҳужжатларнинг сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг истеъмолчилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаши механизмини яратишга доир қисмини такомиллаштириш, сувдан оқилона фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий омилларини ишлаб чиқиш, коллектор-дренаж сувларини сув ҳавзаларига ташлашга тарзда четлаштириш масаласини ҳал этиш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ва дарё сувининг тозалигини таъминлашдан иқтисодий манфаатдорликни оширишнинг янада мукаммалроқ ҳуқуқий механизмларини яратиш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Семинар ишида Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамасининг, бир қанча вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимлари, олимлар, халқаро ташкилотларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Семинарда муҳокама этилган масалалар юзасидан билдирилган таклифлар ва мулоҳазалар ҳам инобатга олинган ҳолда тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

7-9 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси О. Охунова учинчи ўқишда тақдим этди. Депутатларнинг киритган таклифлари бўйича қабул қилинган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

Депутатлар бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Абдуллаева иккинчи ўқишда тақдим этган «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасини давом эттирдилар. Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирокида батафсил муҳокама этилганидан кейин депутатлар баён қилинган таклифлар ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Депутатлар Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси З. Убайдуллаевнинг маърузаси бўйича «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Д. Тошмуҳаммедова томонидан тақдим этилди. Депутатлар бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунни қабул қилдилар.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари Л. Ғуломов «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида»ги ва «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида ахборот берди. Сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган муҳокама чоғида Ўзбекистоннинг Евроосиё ҳамжамиятига кириши мамлакатни янада ривожлантириш ва интеграция алоқаларини мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Қонунчилик палатаси мазкур қонунларни қабул қилди.

(ЎзА).

Шу йил 8 февраль куни Франциянинг Везул шаҳрида ниҳоясига етган XII Осиё мамлакатлари халқаро кинофестивалида таниқли ўзбек кинорежиссёри Юсуф Розиқовнинг «Эркак» номли бадиий фильми ушбу анжуманнинг бош соврини — Гран-при соҳиби бўлди.

Ўзбек фильми Францияда муваффақият қозонди

Ушбу кинофестивалда минтақанинг 20 мамлакати вакиллари томонидан яратилган турли мавзудаги кинофильмлар намойиш этилди. Улар кино санъати соҳасининг таниқли намояндаларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Везул киноанжумани Францияда Осиё кино санъатига нисбатан қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатди. Фестивалда намойиш этилган фильмларни 20 мингдан ортиқ кино ихлосмандлари томоша қилдилар. Анжуман Франциянинг етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан атрофлича ёритилди. Кинофестиваль ишини мамлакатнинг энг нуфузли телеканалларидан бири — «Франс-3» мунтазам ёритиб борди.

Юртдошимизнинг Франциядаги нуфузли кинофестивалда муваффақият қозонгани ўзбек киноси дунё миқёсига чиқаётганидан далолатдир. «Эркак» фильми илк намойишидан сўнг Франциядаги «Аркайон» компанияси уни Европа мамлакатларида тақдим этиш ҳуқуқини харид қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Райрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Париж.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда тўпланган қорнинг ҳажми, сел ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларни аниқлаш, ўпирилиш хавфи бўлган тоғ кўлларининг ҳолатини баҳолаш ҳамда бу жойларда гидрометеорологик вазият ва геологик жараёнларнинг ривожланиш суръатини доимий кузатиш ва прогноз қилиш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида тоғли ва тоғолди туманларда, шу жумладан, зарурат бўлганда, чегарадош давлатлар ҳудудида (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда) 2006 йилнинг 1 мартидан 1 сентябригача бўлган даврда мунтазам аэровизуал рекогносцировка олиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда хавфли гидрометеорологик ва геологик ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиши таҳдидларига қарши ўз вақтида чора кўриш ҳамда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича ишларни тезкор ташкил этиш ва бошқариш учун вилоят ва туман (хавфли туманларда) штаблари ташкил этсин; мазкур штабларни зарур миқдорда транспорт воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва алоқа воситалари билан таъминласин;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2006 йил 15 мартгача хавфли участкаларни аниқлаш учун гидротехник иншоотлар, кўприклар, қирғоқлар, дарёлар ўзанлари ва сойларнинг ҳолатини ўрганиб чиқсин, уларни тозалаш ва мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган муҳофаза чоралари ва авария-тиклаш ишлари бажарилишини таъминласин;

рухсатсиз қурилиш ва норуда материаллар қазиб олиш, дарёлар ўзанида бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш оқибатида дарёлар, каналлар ва сойларнинг сув ўтказиш имкониятлари камайиши ҳолларига йўл қўймасин ва бунинг қатъий олдини олсин;

Давлат геология қўмитаси ва Ўзгидромет кўрсатмалари асосида хавфли ҳудудлардан кўчирилиши зарур бўлган хўжаликлар аҳолисининг ўз вақтида ва бехатар кўчирилишини таъминласин. Хавфсиз жойларга кўчирилаётган кишиларнинг ҳаёт кечириши ва муносиб турмуши учун зарур барча шароитларни яратсин, улар орасида тегишли тушунтириш ишларини олиб борсин;

жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансида турган дарё ўзанлари ва сойлар қирғоқларини мустаҳкамлаш ва уларни тозалаш чора-тадбирларини молиялаш асосланган ҳисоб-китоблар бўйича маҳаллий бюджетлар заҳира фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (С.Исмоилов), "Давсувхўжаликназорат" инспекцияси (Т.Камолов):

бир ой муддатда гидротехник иншоотларнинг (каналлар, дамбалар ва сел йўллари) сел ва тошқин сувларини хатарсиз ўтказиб юборишга тайёрлигини текширсин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва "Ўзбекэнерго" давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда 2006 йилнинг 15 мартигача ўзанли сув омборларини текширсин ва ушбу сув омборларининг сел ҳамда тошқин сувларини хавфсиз қабул қилиш ва хатарсиз ўтказиб юборишга доимий тайёрлигини кафолатловчи иш тартибини таъминлаш устидан назорат ўрнатсин, тошқинлар бошланганда ҳар бир ўзанли сув омборида рухсат этилган энг юқори ҳажмнинг камида 30 фоизи миқдорида бўш жой мавжуд бўлишини таъминласин;

сел ва тошқинлар пайтида жойлардаги барча бўлинмаларда раҳбар ходимларнинг туну кун навбатчилигини ва сув хўжалиги объектларининг хавфсиз ишлашини назорат қилишни таъминласин.

6. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Б.Субанов):

вазирликнинг ҳудудий бошқармалари шахсий таркибини сел ва тошқинлар юз берадиган давр мобайнида кучайтирилган иш тартибига ўтказсин, қидирув-қутқарув бўлинмалари ва тезкор гуруҳларнинг хавф ёки фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолатларда белгиланган вазифаларни бажаришга доим тайёрлигини таъминласин;

хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятларни кузатиш бўйича маълумотларни тўпласин ва таҳлил қилсин, фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфини камайтириш ва ушбу ҳолатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларга доир таклифларни Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясига ўз вақтида тақдим этсин;

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзгидромет билан биргаликда фавқулодда вазиятлар юзага келишининг мониторингини амалга ошириш ва бундан ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида ўпирилиш хавфи мавжуд бўлган тоғ кўлларини кузатиш учун тегишли техника ва сифатли алоқа воситалари билан жиҳозланган мувақкат постларни ўз вақтида ташкил этишни таъминласин;

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда хабардор қилиш тизимининг пухта ишлашини, фавқулодда вазиятлар хавфи тўғрисидаги ахборот ва сигналларни ўз вақтида етказиш ва тегишли вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда аҳолини хабардор қилишни таъминлашга доир чораларни кўрсин;

2006 йилнинг баҳор-ёз мавсумида сел, тошқин ва кўчки хавфи мавжуд бўлган участкаларда тегишли қўникмаларни машқ қилиш ва зарур ҳимоя ишларини амалий бажариш мақсадида махсус тактика машғулотларини ўтказсин;

Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси қарорларининг бажарилишини самарали мувофиқлаштириш ва қатъий назорат қилишни таъминласин.

7. Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, дахлдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда табиий хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда аҳоли (жумладан, кўчирилган шахсларнинг муддатдан олдин қайтиши), транспорт воситалари ва техникани хавфли участка ва ҳудудларга қўймаслик мақсадида йўллар, транспорт коммуникацияларида қўшимча постлар ва огоҳлантирувчи белгилар қўйилишини таъминласин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги (Э.Ғаниев) 2006 йилнинг 1 апрелигача Қирғизистон ва Тожикистон ҳукуматларидан Ўзгидромет бўлинмалари томонидан ушбу мамлакатлардаги тоғолди ва тоғли ҳудудларда қор заҳираси ҳажмини аниқлаш, тоғ кўлларини баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги участкаларга хавф туғдирувчи сел, тошқин ва кўчки хавфи бўлган зоналарни аниқлаш мақсадида аэровизуал текширишларни ўтказиш учун рухсат олиш ҳамда уларнинг ҳолатини биргаликда мониторинг қилиш масаласини тегишли тартибда ҳал этсин.

Молия вазирлиги (Р.Азимов) белгиланган тартибда Ўзгидрометга Вазирлар Маҳкамасининг заҳира фондидан чегарадош давлатлар ҳудудидаги тоғолди ва тоғли туманларда аэровизуал текшириш ишларини ўтказиш учун 101 миллион сўм миқдорида мақсадли йўналтирилган маблағ ажратсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) вақтинчалик ва доимий яшаш жойларига кўчирилган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ва бу жойларда санитария-эпидемиология назоратини таъминласин. Фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда дори-дармон, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши воситаларнинг етарли даражадаги заҳирасини ташкил этсин.

10. "Ўзавтойўл" давлат акционерлик компанияси (М.Абдуллаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда А-373 "Тошкент-Ўш" автойўлининг "Қамчиқ" довони участкасида одамлар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш мақсадида муҳандислик-техник муҳофаза тадбирлари бажарилишини таъминласин. Республиканинг бошқа ҳудудларидаги автойўллар табиий ҳодисалар оқибатида бузилган ҳолларда уларни қайта тиклаш учун зарур куч ва воситалар тайёр туришини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги "Тошқин сувларини, сел оқимларини ўтказиб юбориш ва кўчки ходисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 9 февраль.

Халқаро ҳамкорлик

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР САМАРА БЕРСИН

Кеча Тошкентда "Қимматли қоғозлар ликвидлигини ошириш муаммолари ва уларни хорижий фонд биржаларига жойлаштириш" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва "Тошкент" республика фонд биржаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда таъкидландики, мамлакатимизда қимматли қоғозлар ва корпоратив облигациялар айланмаси кўрсаткичлари сифат ва салмоқ жиҳатидан ўсиб бормоқда. Айниқса, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини интеграллашган бизнес ахборот билан таъминлаш, икки босқичли депозитарийлар ҳамда бу борада Марказий депозитарий томонидан олиб борилаётган ишлар эътиборга молик.

Ҳозирда "Тошкент" республика фонд биржасининг 11 та ҳудудий филиали фаолият кўрсатмоқда. Биржа қошида эса 60 та брокерлик идоралари ишлаб турибди. Эътиборлиси, унинг трейдерлари қимматли қоғозлар олди-сотдисида мижозлар хоҳишини юксак профессионал тарзда бажаришга қодир.

Маълумки, мазкур биржа 1995 йилдан эътиборан Евроосиё биржалар федерациясига аъзо ҳисобланади. 1999 йилда эса Истамбул ва Франкфурт фонд биржалари билан ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашиш бўйича шартнома имзолаган.

Маълумки, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси давлатлари ўртасидаги муносабатлар, кўп қирралари ҳамкорлик барча соҳаларда ривожланиб бормоқда. Жумладан, мамлакатлар фонд бозорини ривожлантириш, қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ваколатли органлар ўртасида узвий алоқалар йўлга қўйилди.

Бўлиб ўтган тадбирда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори М.Юнусматов, Москва банкларо валюта биржаси Бош директорининг ўринбосари Г.Марголит ва бошқалар Ўзбекистондаги корхоналар қимматли қоғозлари эмиссияларининг бирламчи жойлаштирувини Россия ҳудудларида ташкил этиш имкониятлари, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг эмиссия қилинган қимматли қоғозларини Москва банкларо валюта биржаси қошидаги фонд биржаси листингига киритиш механизмлари ҳамда бошқа турдаги биржалар интеграцияси истиқболлари хусусида тўхталдилар.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Автомобилсозлик саноатига бағишланди

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида юртимиз автомобиль ва машинасозлик саноатига бағишланган видеоконференция бўлиб ўтди. Республика Савдо-саноат палатаси "Ўзавтосаноат" ҳамда "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур анжуманда шу соҳа мутахассислари, хорижлик ишбилармонлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуман

Таъкидлаш жоизки, автомобилсозлик мамлакатимиз иқтисодиётининг энг навқирон соҳаларидан ҳисобланади. Шундай бўлсада, қисқа вақт ичида Ўзбекистон бу борада жаҳон бозорида ўзининг муносиб ўрнини топа олди. Бугун Асакадаги завод конвейерларидан чиқаётган "Ласетти", "Нексия", "Матиз" каби замонавий автоуловлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам севимли автосига айланиб улгурган. Бундан ташқари, юк машиналари ва автобус ишлаб чиқарувчи Самарқанддаги "СамКоч-Авто" қўшма корхонаси ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Хорижий инвесторларнинг ҳам соҳага қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Чунончи, юртимизда автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, бутловчи материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар сафи кенгайиб бораяпти. Хусусан, ўриндиқ, бампер, ойна, аккумулятор, автоэмал ва бўёқ сингари турли маҳсулотлар маҳаллийлаштириш дастурига асосан эндиликда ўзимизда тайёрланмоқда.

Тадбир якунида Россия, Корея, Германия, Ҳиндистон ва Туркия давлатлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилди. Видеоконференция иштирокчилари фурсатдан фойдаланиб, хорижлик ҳамкорлар билан бевосита мулоқотга киришишди.

Ўз мухбиримиз.

Қулай ва самарали



"Фарғонателеком" вилоят бўлимининг Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғланмаси жамоаси томонидан аҳоли талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу ерда янги электрон рақамли станциянинг сўнгги монтаж ишлари олиб борилаяпти.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ва хитойлик мутахассислар томонидан амалга оширилаётган лойиҳага кўра, эндиликда, шаҳардаги 4-АТС ва Муқимий шаҳарчаси АТСи реконструкциядан чиқарилиб, янги электрон рақамли станцияга алмаштирилди. Янги станция мижозларга узилишларсиз хизмат кўрсатади. Абонент тўлови эса вақтбай. Бу ўз навбатида телефонда сўзлашувчини тежамкор бўлишга ҳам ўргатади.

СУРАТЛАРДА: Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғланмаси мутахассислари Мақсуд Ибрагимов ва Улуғбек Турсунқулов иш устида; электромеханик Хадича Назирова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.



«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ОРОЛБЎЙИГА

"Экосан" халқаро ташкилоти "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури, шунингдек "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикасига навбатдаги "Саломатлик" поездини ташкил этди.

Кеча воҳага йўл олган поездда 35 миллион сўмлик турли санитария-гигиена воситалари, дорилаш препаратлари, кийим-кечаклар ва бошқа зарур халқ истеъмоли моллари ўрин олган.

Поезд манзилга етиб боргач, барча юклар, ўз эгалари — экологик аҳвол мураккаб бўлган минтақа, туман ва маҳаллалардаги аҳолига тарқатилади.

М. ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Бир хат изидан

ТОР КЎЧАДАГИ ТОМОША

• Таҳририятимизга Қибрай тумани, Салор шаҳарчаси фуқаролар йиғинига қарашли Бобур кўчасида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролардан шикоят хати тушди. Унда ёзилишича, Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ҳудудида Республика ўқув ишлаб чиқариш биолабораторияси жойлашган. Лаборатория мудири Қаршибой Халилов ҳеч қандай ҳужжатларга эга бўлмай туриб, муассасани янги иморат ҳисобига кенгайтириш ишларини бошлаб юборган. Бўлажак бино пойдевори ички йўл устига тўғри келганидан мазкур кўчадаги олти хонадон соҳибларига нафақат автоуловларда, балки яёв қатнашда ҳам қийинчилик туғилган. Сабаби — бинокорлик ашёлари йўл устига туширилган. Оқибатда у беркилиб қолиб, уй эгалари институт боғи оралаб, лой кечиб юришга мажбур бўлишган.

Хат муаллифлари ушбу масала юзасидан Салор шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Ўткир Раззоқовга мурожаат қилишади. Ў.Раззоқов биолаборатория мудирига йўлни ёпишдан олдин фуқароларга янги йўл очиб бериш кераклигини уқтиради. Лекин фойдаси бўлмайди. Ноилож қолган маҳаллий аҳоли таҳририятга мактуб йўллайди...

Биз шикоятдаги эътирозлар нечоғли тўғри-нотўғрилигини аниқлаш, масалага ойдинлик киритиш мақсадида Қибрайга отландик. Салор шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Акмал Холмуродов, Бобур фуқаролар йиғини раиси Ботир Ўтанбоев, биолаборатория мудири Қаршибой Халилов ҳамда шикоятчилардан Латифа Йўлдошева билан биргаликда ички йўлни бориб кўрдик. Эни 4, узунлиги салкам 32 метр бўлган мазкур йўлнинг бир қисмига ҳақиқатан ҳам қурилиш материаллари тўкиб қўйилибди. Лабораторияни кенгайтириш ишлари бошлаб юборилгани кўриниб турибди. Қаршибой Халилов буни шундай изоҳлади:

– Бултур октябрда ўсимликларни ҳимоя қилиш масаласига бағишланган республика йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳа ходимлари зиммасига биолабораторияларни кенгайтириш, иш жараёнини жадаллаштириш каби вазифалар юклатилди. Топшириқни бажариш мақсадида 88 квадрат метр майдонда қўшимча лаборатория биноси тиклашга киришдик. Албатта, тасдиқловчи ҳужжатларга асосланиб. Қўлимизда мазкур юмуш юзасидан тузилган комиссиянинг 2005 йил 19 декабрдаги далолатномаси, Қибрай тумани ҳокимининг жорий йилнинг 4 январида чиқарган қарори бор. Ишни бошлашдан аввал хонадон эгаларини бир неча маротаба огоҳлантирдим. Аммо улар ўзлари учун янги йўл қуриш зарурлиги хусусида ўйлаб кўришмадиям. Йўл тўсилиб қолгач, жанжал келиб чикди. Об-ҳаво бироз ноқулай келгани боис ҳозир қурилишни тўхтатиб турибмиз. Кун исиши билан давом эттирамиз. Агар уй эгалари янги йўл қурилишини бошлашса, имкониятимизга қараб, ёрдам беришга тайёрмиз.

Биз бошқалар фикрини ҳам тингладик. Улар мудирнинг гапи тўғрилигини тасдиқлашди. Лекин Акмал Холмуродовнинг билдиришича, ҳужжатларда, биринчи навбатда, ички йўл масаласини ҳал этиш белгиланган. Шундан сўнггина қурилишни давом эттириш мумкин. Лаборатория мудири эса бунга эътибор бермаган.

Дарҳақиқат, биолабораториянинг 2005 йил 14 декабрдаги хатига асосан тузилган далолатномада "Маҳаллага йўлни кўчириб бериш шарти билан" деган ёзув ҳам битиб қўйилган экан.

Муаммонинг ижобий ҳал этилиши тарафдорларидан бири — Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори Р. Очилов Бобур маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ёзма мурожаатига жавобан, йўл қурилиши учун институтга тегишли ердан 1000 квадрат метр майдон ажратишга розилик берган. Ҳозир туман ҳокимининг ушбу ерни институт тасаррафидан чиқариш тўғрисидаги қарорни имзолаши кутилаётган экан. Агар у амалга ошса, хонадон соҳиблари транспорт харажатларини, Салор шаҳарчаси фуқаролар йиғини эса қурилиш материаллари топишни ўз зиммасига олиб, йўл барпо этишга киришишлари мумкинлигини билдиришди.

Суҳбат пайти Латифа Йўлдошева бизга Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган иккинчи сил касалликлари шифохонаси (мазкур шифохона Бобур кўчасига туташ) ерларидан шахсий уй-жой участкалари қурилиши режасининг нусхасини кўрсатди. 1997 йилда тасдиқланган бу ҳужжатда айни муаммога ечим бўла оладиган лойиҳа ҳам акс эттирилган. Яъни, шу чизма асосида узунлиги салкам 100 метр, эни 5 метрлик янги йўл қурилса, ҳеч қандай машмашага ўрин қолмаган бўларди. Афсуски, лойиҳа амалга ошмай қолган. Энди шундай муаммо чиқиб турибди.

Очиғи, шикоят хати қўлимизга келиб тушганда, хаёлимиздан бир қанча саволлар ўтганди: наҳотки, шу кичик масала маҳалла ёки туман миқёсида ҳал этилмай, республика газетасигача етиб келган бўлса?! Ахир бундай муаммоларни ўз вақтида, жойида ҳал этиш маҳаллий ҳокимиятнинг, ўзини ўзи бошқариш идораларининг вазифаси эмасми?! Маҳалланинг мавқеини оширишга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда, Қибрайдаги бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Ёки улар бундан бехабарларми? Қолаверса, касални даволашдан кўра олдини олган маъқул-ку! Афсуски, Салор шаҳарчаси фуқаролар йиғини ҳамда Бобур маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари бу муаммо ечими тўғрисида кеч бош қотиришган. Оқибатда шунча тушунмовчилик келиб чиққан. Ҳозир ҳам шундай: мутасаддилар масала ҳужжатлар асосида ижобий якун топганини айтишади, Бобур кўчасидагилар эса у амалда ижро этилмаганидан хуноб. Айтинг-чи, бу кетишда тор кўчадаги томошага ким, қачон қатъий чек қўяди?!

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Томорқа учун ер берилади

Таҳририятга мактуб

Мен сатҳи атиги 30 сотихли ҳовли-жойда бир нафар уйланмаган, тўрт нафар уйланган ўғилларим, келинларим ва набираларим билан бирга яшайман. Бу бизга ҳар томонлама ноқулайлик туғдирмоқда. Шу боис оилали фарзандларимга томорқа учун ер майдони ажратишларини сўраб, хўжалик раиси ва туман ҳокимига бир неча бор учрашдим. Афсуски, улар ҳануз менинг аҳволимни тушунишмаяпти, илтимосимни қондиришни исташмаяпти.

Қурбон ИЛЯСОВ,
Шеробод тумани, Н.Муродов номидаги хўжалик пудратчиси.

Расмий жавоб

Фуқаро Қ.Илясовнинг аризаси туман ҳокимлиги, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимлари томонидан ўрганилди. Шу жараёнда унинг оила аъзолари, ҳақиқатан ҳам, 0,30 га. жойда олти хўжалик бўлиб яшаётгани ҳамда томорқага муҳтожлиги аниқланди. Ўзи билан ўтказилган суҳбат чоғи Қурбон Илясовга айни кезларда Н.Муродов номли ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилаётгани ва томорқа учун захирага ер майдони лойиҳалаштирилаётгани тушунтирилди. Бу ҳақдаги қарор расмийлаштирилганидан сўнг унга томорқа ажратиб берилиши маълум қилинди.

Р.АВАЗОВ,
Шеробод тумани ҳокими.

Навоий кунда керак

Филология фанлари доктори, академик Азизхон Қаюмов мумтоз адабиётимиз билимдонларидан бири. Зеро, олимнинг ижодини ҳазрат Алишер Навоийсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар сафар у киши билан юзма-юз ёхуд телефон орқали хабарлашсак, албатта, Навоий ғазалидан уч-тўрт сатрни ёддан ўқиб хайрлашади. Кўпчиликка кундалик ҳаётда асқотадиган оддийгина "раҳмат" ўрнига, гўзал бир тарзда "ташаккур" сўзини ишлатади. Шундай кезларда, беихтиёр бундай хушлутфу хушфеъллик унга Навоий асарларидан ўтганмикин, дея ўйлаб қоламан...

Навбатдаги суҳбатимиз яна Навоий хусусида бўлди.

ЭЛ ХИЗМАТИДА КЕЧГАН УМР

— Азиз Пўлатович, сиздан Навоий ижоди ҳақида қанча кўп эшитганим сайин жуда оз нарса билишимдан хижолат тортаман. Афсуски, бу фикр кўпгина замондошларимга ҳам таллуқлидир...

— Бу дунёда ҳамма, шу жумладан, сиз ҳам ўз касбингизнинг устасисиз, — дея одатдагидек самимийлигу оҳисталик билан сўз бошлайди домла. — 14 йилдирки, Ҳазратга яқинлашиб бормоқдамиз. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Сўнггиси шуки, Навоийнинг Ҳиротдаги мақбарасини ободонлаштириш бошланди.

Алишер ёшлик йилларини тўласича таҳсилга сарф этган. У Ҳиротда, Машҳадда, Марвда таълим олди. Самарқандда машҳур олим Хожа Файзуллоҳ Абул Лайс мадрасасида ўқиди. Бу буюк олим ҳиротлик толиби илм Алишерга ўз фарзанди сингари диққат-эътибор берар, унга доимо ғамхўрлик кўрсатар эди.

Алишер Навоий бу вақтда шуҳратли шоир сифатида танилган. Унинг мухлислари Ҳиротда ёш шоирнинг шеърлар тўпламини тузган эдилар. Шеърлари кўчирилиб қўлдан-қўлга ўтар, ашула қилиб куйланар, халқ уларни севиб ўқир ва тинглар эди.

1469 йили таҳсил тугади. Энди 28 яшар шоир олдида ҳаёт йўлини белгилаб олиш вазифаси турар эди. Бу йўлнинг қандай бўлмоғи кераклиги тўғрисидаги фикрларини Навоий ўзининг "Ҳасби ҳол" ва "Вақфийя" асарларида баён этган. Шоирнинг хаёлида икки ўй ҳукмрон. Бири:

Буюрдики, эл бўлғали
боҳравар
Сулуку маротибға
қилғай гузар.

Яъни, элу юртга баҳра етказмоқ йўлига ўтиб, хизматга бел боғламоқ; иккинчиси эса комил бир муршид (йўлбошчи) топиб, ўзини унга топшириб, тарки дунёчиликка ўтмоқ.

Тутуб ҳар шуғлдин
дунёда гўша
Муҳайё айласам уқбоға тўша.

Маъноси: *Дунёнинг ҳар бир ишидан воз кечиб у дунё озуқасини тайёрловга киришмоқ.*

Аммо ҳаётнинг қарори бошқача бўлган эди. Бу тўғрида шоир бундай деб ёзган:

Сен жон варағида
бўйла айлаб таҳрир
Ул сафҳада бу нақшни
айлаб тасвир.
Тағйир этар эрмиш они
килки тақдир
Тақдир ишига, рафиқлар,
не тадбир.

Маъноси: *Сен жон варағига нени ёзмагин, бу саҳифага қандай нақшни туширимагин, уни тақдир қалами ўзгартиради. Дўстлар, тақдир ишига нима ҳам қила олар эдинг.*

Қисқаси, Навоийга Хуросоннинг янги ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқародан давлат хизматига ўтмоқ тўғрисида таклиф келди. Алишер Навоий бу таклифни қабул қилди. Шу-шу, Навоий умр бўйи давлат хизмати билан машғул бўлди.

Бундай хизматга бел боғлаган ходим қандай йўлдан бормоғи, турли шароитда ўзини қандай тутмоғи кераклиги тўғрисида Навоий "Вақфийя" китобида муфассал ёзган.

— Давлат аҳамиятига молик тадбирлар, эл-юрт манфаатини кучайтириш ҳамда ижод билан шуғулланиш учун киши ниҳоятда кучли иродага эга бўлмоғи, лозим албатта.

— Навоийдек инсонлар ҳар доим ҳам туғилавермайди. Шоир Оллоҳнинг назари тушганлар тоифасидан. Кези келганда айтиш керакки, у ўз тирикчилигини таъминлаш учун деҳқончилик (зироат) билан шуғулланиб, яхши даромадлар қилган. Бу даромаддан бир кишига етарлича озиқ-овқат ва иссиқ-совуқдан асрамоққа кифоя бўлганини ўзига қолдириб, қолганларини подшоҳ саройига, қўшин харажатларига сарф этмоқ учун юбориб турган, муҳтожларга улашган, хайрли ишларга сарф қилган.

Навоий бирор расмий лавозим эгаллаган ё эгалламаганлигидан қатъи назар, ҳеч қачон давлат хизматидан узоқлашган эмас. Ҳамиша бу иш билан банд бўлган, унинг машаққат ва азиятларини чеккан.

Хуросонда Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти барқарор бўлиб маҳкам ўрнашган йиллар. Султон Хоразмни обод қилиш мақсадида уч минг оилани кўчириб, Хоразмга юбормоққа фармон берди. Навоий, одамлар ўрганган ватан ва тайинли жойдан ажралуви сабабли бу иш кишиларга оғир бўлади, деб подшоҳдан фармонни бекор қилмоқни сўради. Аммо подшоҳ бу таклифни қабул қилмади. Навоий ўн мартабагача ўз таклифини такрорлади. Лекин натижа бўлмади. Шунда у Султонга деди: Сиз бирор иш ўринсиз бўлса 9 маротабагача эътироз билдирмоққа менга ҳуқуқ бергансиз. Мен ўн марта сўрадим. Энди 11-марта шу ишдан воз кечмоқни сўрайман.

Шундан сўнг Султон уч минг уйлик оиладан 1 мингинигина кўчирилсин, деб ўз буйруғини ўзгартирган. Кейин маълум бўлишича, ўша бир минг оила ўзи ихтиёри билан кўчмоққа рози бўлган экан.

1500 милодий йилда Султон Ҳусайн Мозондаронда эди. Ўша ердан Ҳиротга ҳукумат эгаси Амир Муборизоддин исмига Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан зарур харажати учун юз минг (танга) йиғиб юбормоқ тўғрисида Султоннинг фармони келди. Амир Муборизоддин бу солиқни ундириш йўлини ишлаб чиқди ва Навоийга маслаҳат солди. Бирор катта иш Навоийдан бемаслаҳат қилинмас эди. У халқ устига ўринсиз солиқ солишни олий даражали соҳибқирон (яъни Султон Ҳусайн Бойқаро А.Қ.) давлатига муносиб кўрмайман, деди-ю, мазкур маблағни ўз ёнидан тўлаб юборди. Бунинг учун халқ ҳазратни дуолар қилиб, чексиз раҳматлар айтди.

Навоийнинг давлат ишларини олиб боришдаги иштироки тўғрисида бундай мисолларни кўплаб келтирмоқ мумкин.

— Шоирлар, олимлар, санъат усталари, мударрислар ва толиби илмларга ҳомийлиги-чи?

— Навоий ўз маблағлари ҳисобига жуда кўп иншоотлар, йўл, кўприк, арик, ҳовузлар қурдирган, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, шифохоналар, лангарлар (мусофирлар учун бепул ошхона ва ётоқхона) бино қурдирган. Ҳиротда бир мадраса, унинг ёнида масжид бунёд эттирди. У ерда ташландиқ, хароб бир калисо бор эди, у олиб ташланди.

Шоҳ давлатидин итти
бу дайру калисо
Ўрнида бўлди мадрасау
масжиде бино.

Мадрасанинг тўрида бир гумбаз қурилди. У "Дор ул-ҳуффоз" ("Ҳофизлар уйи") деб аталди. Мадрасага "Ихлосийа" деб от қўйдилар. Яна хонақоҳ ҳам бино этилди. Уни "Халосийа" деб атадилар. Навоий бино қилдирган шифохонанинг оти эса "Доруш-шифо"дир. У ерда Хизр мақомидаги ҳакимлар ва Исо нафасли табиблар ғариблару беморларни даволаш билан машғул эдилар. Бу шифокорлар ҳаммаси Навоий тайинлаган маошларини олиб хизмат қиладилар. "Ихлосийа" мадрасасида икки мударрис бўлиб, ҳар бирига бир йилда бир минг икки юз олтин нақд тўланган. Яна ҳар қайсисига йигирма тўрт юк ошлиқ, учдан бири арпа, учдан иккиси буғдой берилган.

Толиби илмлар ичида (улар 22 киши) олти аъло ўқийдиганларига ойида йигирма тўрт олтин, йилда беш юк буғдой; ўрта ўқийдиган (8 киши) ойига ўн олти олтин, тўрт юк буғдой; қуйи ўқийдиганларга (8 киши) ойида ўн икки олтин, ошлиқ уч юк берилмоғи белгилаб қўйилган.

Навоий яна ўша иморатларни сақламоқ, тартибда тутмоқ учун хизмат қилувчи ходимларнинг иш ҳақи тўғрисида муфассал кўрсатмалар берган. "Вақфийя"да бу ҳақда батафсил ёзилган. Сарф-харажатларнинг ҳаммаси муаллифнинг зироат ва савдога оид фаолиятидан келадиган даромадлари билан қопланажаги қайд этилган. Яна Навоий васият қилганки, ҳар ўттиз йилда "Вақфийя"дан нусха кўчирилсин, у қози муҳри билиш тасдиқлансин, жавобгар шахслар айтилганларни сўзсиз бажариб борсинлар.

Кўриниб турибдики, Навоий нафақат буюк шоир, мутафаккир ва давлат арбоби, балки оддий эл қатори жамият аъзоси сифатида ҳам ўрнак ва ибрат бўладиган бир зот эди. Унинг қилган ишлари ушбу 2006 йилги ҳомийлик, саховатпешалик ишларимизда ҳам намуна бўлгудекдир.

— Бундай лутфу иноят, сахийлик ишлари асосида баъзан латифанамо ҳодисалар ҳам юз бериб турган эканми?

— Мусиқий илмнинг моҳир билимдони мавлоно Алишоҳ ўзига Навоий ажратган вақфдан оладиган маошининг олти ойлигини бирданига бермоқларини сўраган. Мавлоно, — деган шоир унга, — умрингиздан олти кун қолганми, йўқми, билмаймиз. Нега сиз омонат ҳаётга эътиқод қилиб, олти ойлик маошни олдиндан талаб қиласиз?

— Сиз буйруқ бераверинг, пулни менга тўлайверсинлар. Мабодо ўлиб-нетиб қолсам, ўша пул гўру кафанимга яраб қолар, — деб жавоб берган мавлоно.

Навоий кулиб унга деган экан:

— «Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало» деганлари сиз экансиз-да.

— Навоий учун шеърият нима эди?

— Умрининг, ҳаётининг мазмуни эди. Навоий шундай зот бўлганки, у шеърсиз, ижодсиз яшай олмас эди. Шеър, ижод унинг табиатидан келиб чиқар, уни тарк этмоғи мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам ижод шавқи билан ошно бўлган:

Шеърки, ҳам тушти
менинг шонима
Ул ўту бу тошдурур жонима.
Не де олурмен тузубон
баркини
Мумкин эмас ҳуд
тутарим таркини.

Шоир ҳаётининг энг оромли ва ёқимли фурсатлари ана шу лаҳзалар бўлган.

Вақт ярим кечадан ўтган. Ёз пайти. Боғ томонга қараган айвонда шам ёруғида кичик бир мез (столча) ёнида шоир ижод билан машғул. У ҳар туни тинимсиз ишлайди. Ҳар кеча икки соат давомида қирқ-эллик байт шеър ёзмоқдир одати.

Эрди ярим кеча
ошғалим чоғи
Табъ бу маъниға
машғул ўлмоғи.
Хома рафторин
неча сурсам неча
Қирқ-эллик байт
ҳар ярим кеча
Сафҳага ёзмай
қарорим йўқ эди
Бу рақамда ихтиёрим йўқ эди.

Ижодий иш муттасил давом этгани учун унумли бўлган. Навоий беш достондан иборат "Хамса" ("Бешлик") асарини салкам уч йил ичида ёзиб тугаллаган. Шундай ижодий меҳнат билан шуғулланмоқ унинг орзуси эди. Ёшлик йиллари ўзининг дўсти ва ҳомийси Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган мактубида яхши ниятлар билан бундай деган:

Деди ўз тили бирла
ул кони ганж
(яъни Фирдавсий А. Қ.)
"Ки си сол бурдам бо
"Шоҳнома" ранж...
Ки ҳар нутқ ўлса коҳил сарой
Битигайман ўттуз йилин
ўттуз ой.
Агар хосса маъни
гар эҳом эрур
Анинг кунда юз байти
ҳалвом эрур...

Маъноси: *Ўша хазиналар кони (Фирдавсий) ўз тили билан айтганки, "Ўттиз йил азоб чекиб "Шоҳнома" устида ишладим". Шошмай сўзлаганда ҳам ўша ўттиз йиллик ишни ўттиз ойда битирар эдим. Гарчи унинг маъноси ваҳмли туюлса-да, кунда юз байтини ёзмоқ мен учун ҳолва (емоқ) сингари бўлар эди.*

— Навоий асарларидаги бош ғоя — инсонпарварлик, халқпарварлик ва адолатпарварлик бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат қуриш, авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш борасидаги улкан мақсадларимизга ҳамоҳангдир.

— Навоий бутун ҳаётини, буюк талантини халқ хизматига бағишлади ва халқ қалбидан ўрин олди. Ижодиёти ўзбек халқининг жаҳон маданияти тарихига қўшган улкан улушидир.

Алишер Навоий фақат олтмиш йил умр кўрди. У 1441 йилда Ҳиротда туғилиб 1501 йил бошида шу шаҳарда дунёдан ўтди. Оромгоҳи Ҳирот шаҳридадир. Шоирнинг номи ва асарлари асрлар давомида бутун дунёда яшаб, миллатимиз фахрига, инсоният ифтихорига айланиб бормоқда.

"Халқ сўзи" мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Қамчиқ йўли очиқ

Бугуннинг гапи

Хоҳлаймизми-йўқми, табиат ҳодисаларига дуч келаверамиз. Бунинг натижасида турли экологик муаммолар келиб чиқиши эса ташвишланарлидир.

Бу йил қорнинг ҳаддан ташқари кўп ёғиши натижасида шимолий ҳудудларда энергетика ва алоқа тизими издан чиқди. Яна кўпгина ҳудудларда табиий офат хавфи пайдо бўлди.

Жуғрофий жиҳатдан мамлакатимиз ҳам зилзила, сел ва сув тошқинлари, тупроқ ва қор кўчкиси каби табиий ҳодисалар хавфидан ҳоли ҳудуд эмас. Ана шундай хавфларни бартараф этишда куч ва воситаларнинг тайёргарлик ҳолатини ошириш, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа мутасадди идора, ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракатларини такомиллаштириш мақсадида ўтказилган қўмондонлик-штаб машқларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Бу ҳамжиҳатлик Қамчиқ довонидаги қор кўчкиси оқибатларини бартараф этишда ҳам ўз самарасини берди.

— Ўтган йили содир бўлган қор кўчкиси ҳаммамизга ибрат бўлган эди, — дейди Қамчиқ ҚҚО Тоғ-қутқарув гуруҳи командири, катта лейтенант Абдурасул Раҳимов. — Шу боис бу йилги мавсумга жиддий тайёргарлик кўрдик. Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, "Ўзавтойўл", "Об-ҳавони кузатиш маркази" ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорлиги табиий офатларни вақтида илғаш ва зарур чора-тадбирлар кўриш имконини бермоқда. Бу йил кўп қор ёғиши натижасида Қамчиқ довонида кўчки хавфи пайдо бўлди. Шу заҳотиёқ Тошкент — Ўш йўлида ҳаракат тўхтатилди. Гарчи қор кўчкиси дастлабки кунларданоқ бартараф этилган бўлса-да, яна хавф йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилмагунимизча йўл очилмади. Бугунга келиб Қамчиқ довонида доимий ҳаракат йўлга қўйилган, хавфсизлик чоралари кўрилган.

Қутқарув хизмати таркиби ўтган йиллар мобайнида малакали спортчилар, тажрибали қутқарувчилар билан тўлдириб борилмоқда. Кўп тармоқли Тез ҳаракат қилиш республика маркази, Чирчиқ шаҳри ҳамда "Қамчиқ" довонида қидирув-қутқарув отряди ташкил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги авария-қутқарув гуруҳлари кенгайтирилди ҳамда мустаҳкамланди. Барча бўлинмалар чет элдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар, қутқарув техникаси билан жиҳозланди. Кинология, сувдан қутқариш хизматлари, республика ғаввослар мактаби битирувчилари шай туришибди. Шунингдек, қутқарувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга спортнинг амалий ва қутқарув турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар катта ёрдам беряпти. Албатта, хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишдир.

Анвар САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

технология ускуналарини харид қилиш ва савдони молиялаш учун Малайзия экспорт-импорт банки кредит йўналиши доирасида республика корхона ва ташкилотларини хорижий валютада молиялаштирмоқда:

- *минимал сумма — 100 минг АҚШ доллари;*
- *импорт контрактида Малайзия ишлаб чиқаришининг товар/ускуналар бўйича улуши — камида 30%.*

Кредит муддати:

- *хомашё, материаллар ва бошқа товарлар харид қилинишида савдони молиялаш учун 1,5 йилгача, шу жумладан 6 ой имтиёзли давр;*
- *инвестиция лойиҳаларини ва ускуналар харидини молиялаш учун — 5 йилгача, шу жумладан 2 йил имтиёзли давр;*
- *ўз маблағлари иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25%.*

Қўшимча маълумот учун Лойиҳаларни молиялаш марказига 134-39-54 рақамли телефон, 135-56-10 рақамли факс орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзмиллийбанкнинг Кредитлаш бош бошқармаси, телефон: 134-16-02, факс 135-19-20 ёки исталган бўлими/филиали www.nbu.com

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги масъулияти чекланган жамият «Енил саноатсервис» савдо уйи, ОКПО коди 17778413 тугатилади.

Даъволар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй. Тел: 53-79-39.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

кундузги бўлимини 2005/2006 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида статистик маълумот

№	Йуналишлар, мутахассисликлар	Бакалавриатура. Касб таълими: Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси	Тўқимачилик саноат маҳсулотлари технологияси	Технологик машина ва жиҳозлар	Ёг ва мойлар технологияси	Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси	Гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлари технологияси	Нон, макарон ва кондитерлик маҳсулотлари технологияси	Енгил саноат маҳсулотлари технологияси	Аҳборот ва ҳисоблаш технологияси	Электроэнергетика	Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши	Маркетинг	Иқтисод	Менежмент	Транспорт воситаларидан фойдаланиш	Машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва машинасозлик ишлаб чиқаришни автоматлаштириш	Технологик машина ва жиҳозлар	Дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси	Технологик машина ва жиҳозлар	Нефть ва газ қазиш	Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси	Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши	Менежмент	ЖАМИ	Магистратура: Қанд ва кондитер моддалар, бижғиш маҳсулотлари технологияси	Ёғларни қайта ишлаш технологияси	Дон ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, дастлабки ишлов бериш	Тикув маҳсулотлари технологияси	Йигирув технологияси	Чарм ва мўйна технологияси	Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси	Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар	Ҳисоблаш машиналари, комплексларни, тизимларни ва дастурлаш математик ва дастурий таъминоти	Менежмент	Озиқ-овқат саноати машина ва аппаратлари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш машиналари ва жиҳозлари	Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари	Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги	Вино ишлаб чиқариш технологияси	Электр таъминоти	Тўқимачилик ишлаб чиқариш технологияси	Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш	Нон, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари технологияси	Машинасозликда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш	Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси	ЖАМИ
1.	Бухоро вилояти:																																																					
1.1.	Бухоро шаҳри	3	4	4	1	8	3	5	7	12	6	2	2	10	9	5		4	3	3		10	3	7	10	121	1	2	2	1		1	1	3	2	8			1	1	1			3	2	1		30
1.2.	Когон тумани	1	1	1	3		1		3	4	5	1		3		1	4	3		2	1	3		2	5	44						1		1			1	1			1							5
1.3.	Бухоро тумани		2	2	3	1	1	1	2	6	2	1	3		1	3			1	2		3		3	2	39							1		1		1	1		1		1		4				10
1.4.	Жондор тумани				1		3	2	1	4	8	2	1	4	2	3	1	1	1	3		3	1		1	42			1							1								2				4
1.5.	Вобкент тумани	1	2	2	4		1	8	3	3	1	3	1	2			1	2		2		4	1			41			2						2					1								5
1.6.	Ромитан тумани				1					1			1							3		4		1	6	17		1	1					1														3
1.7.	Шофиркон тумани	1	3	3	1	2	2	1	1	7	2		2	4	4	2	3	2	1	1	1	3			4	50										1					1							2
1.8.	Ғиждувон тумани		1	1	1	2		1		1	2		2	2	3	1		1	1	2		5	1		3	30					1		2		3													6
1.9.	Қоракўл тумани	3							1		3			1	1	1		1		1		7	1			20			1				1																2
1.10.	Олот тумани		1	1								2								2		3		1	1	11					1					1								1				3
1.11.	Пешку тумани	1							1		6	1			2	1				1		1			2	16																							
1.12.	Коровулбозор тумани									1	1						1			1				1	1	6																							
13.	Навоий вилояти				2			2			3			1		1	1			3	1	1		2	3	20																					1		2
14.	Қашқадарё вилояти				5			1		1				1					1	1						10																						1	1
15.	Самарқанд вилояти							1		1							1									3					1															1			2
16.	Хоразм вилояти									1		3		1					1		1	1				8														1									1
17.	Сурхондарё вилояти																		1							1			1																				1
18.	Жиззах вилояти							1											1							2																							
19.	Қорақалпоғистон Республикаси																		3							3																							
	Жами	10	14	14	22	13	11	23	19	42	39	15	12	29	22	18	12	14	14	27	4	48	7	17	38	484	1	3	8	1	3	2	5	5	8	11	2	2	3	3	2	1	1	10	3	2	1	77

Бизнинг манзил: Бухоро шаҳри, К.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Телефонлар: 223-78-84, 223-74-52. Факс: 223-78-84.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД «САБОҒИ»

«Халқ сўзи»нинг шу йил 25 январь сонида эълон қилинган «Айб, фақат ёшлардами?» баҳсини ўқиб, бутун умрим давомида ёшлар, мактаб, муаллимлар дунёсида яшаб келаётганим учунми, ушбу баҳсга иштирок этиш иштиёқи туғилди.

Аслида бундай баҳслар, мулоҳазалар йил давомида газета саҳифаларидан тушмаслиги керак. Чунки, тарбия ҳафталик ёки ойлик жараён эмас. У ҳар куннинг, ҳар соатнинг иши.

Мен бир неча йиллардан буён республика телевидениесида олиб борилаётган «Ўйла, изла, топ» дастурига бадиий раҳбарлик қиламан. Ўсмирларнинг илмга, фанга умуман, дунёга қизиқиши, шу қизиқишларни гоҳ кучайтириб, гоҳо сусайтириб қўяётган муаллимларнинг иш фаолияти, иқтидори, ихтисоси билан ҳам қизиқаман. Чунки муаллим юксак бўлса, унинг баҳсга жўнатаётган ўқувчиси ҳам юксак бўлади. Шу муносабат билан мен кўрсатувга саволлар тайёрлаш учун Бағдод, Ўзбекистон, Бешариқ туманларида бўлиб мактабларда, лицей ва коллежларда учрашувлар ўтказдим. Узоқ-узоқ суҳбатлар қилдим. Хурсанд бўлганим шу бўлдики, муаллимларимиздаги лоқайдлик, ҳафсаласизлик, бепарволик ўрнини ўзларига бўлган ишонч, шиддату ғайрат эгаллаганини кўрдим. «Баҳс»даги «Кўпгина муаллимлар серпул соҳага ўтиб кетишди. Буни қарангки, замон яна айланиб келиб ўқитувчиларнинг жамиятдаги қадри, нуфузи ортмоқда...» деган фикрга тўлиқ қўшилган ҳолда муаллимнинг юксак иқтидорини кўрсатадиган бир лавҳани эслагим келди. Тошкент иқтисодиёт коллежида қузатганим бир соатлик дарс давомида олган таассуротларим билан ўртоқлашгим келди.

Мени Абдулазиз Абдурахмонов кутиб олди. Узоқ суҳбатлашамиз. Молия бўлимининг мудири экан, ўзи ҳам иқтисод илмидан дарс бераркан. Бу даргоҳда 20 дан ортиқ йўналиш бўйича ўқитишаркан. Абдулазизнинг ҳар бир муаллим ҳақида узоқ, тўйиб-тўйиб гапиргиси келяпти. Ҳар бири билан фахрланиши, бутун мактаб ғурурланаётганлигини такрор ва такрор эслатиб ўтяпти. Раҳбар ўз ходими билан мақтанса, қандай яхши-я деб ўйлайман.

— Бирор дарсга кирмоқчи эдим, — дейман.

— Адабиёт дарси ҳам бўлаверадими? — негадир кулимсираб дейди Абдулазиз.

— Нега «бўлаверадими» деб сўрайсиз? — дейман яна.

— Чунки бизнинг асосий йўналишимиз — иқтисод, — дейди Абдулазиз ҳамон ўша кулимсираш ҳолатида.

Абдулазиз яна муаллимлар ҳақида ёниб-куйиб гапира бошлади. Тўртта адабиёт ва она тилидан дарс берадиган муаллим бор экан. Ҳар бири бир олам. Чунки, бу даргоҳда гарчи иқтисодга оид фанлар ўқитилса ҳам ҳар бир фаннинг асос-асосида адабиёт — адаб, маънавият туришини яхши билишар экан. Мен Абдулазизнинг бу фикридан яна хурсанд бўламан.

Юлдузхон Мирсобированинг дарсига кирадиган бўлдик.

— Дарсни зўрроқ ўтадими, ахир? — дея тортиниброқ сўрайман.

Абдулазиз кулиб қўяди. Дурадгорнинг ишига иморат битгандан кейин, боғбоннинг ишига мевасидан тотиб кўрганидан кейин баҳо берилади, дейдилар. Муаллимнинг дарсига эса дарсдан сўнг фикр айтамиз-да, деб қўяди.

Республикамизда ўн мингга яқин мактаблар, мингга яқин лицейу коллежлар фаолият кўрсатяпти. Ҳаммасида ҳам дарс бир хил усулда бошланади: муаллим кириб ўқувчилар билан саломлашади. Йўқлама бўлади, ким бору ким йўқлиги аниқланади. Худди ана шу сонияларда ўқувчилар билан муаллимларнинг кўзлари тўқнашади. Ўқувчиларнинг дарсга тайёрлиги, нечоғлик яхши тайёргарлиги, муаллимларнинг шуларга қанча билим, ўша билимни қанча иштиёқ билан бера олишга тайёр эканлиги билинади.

Мен уларнинг кўзларини кузатаман. Гуруҳдаги ҳолатни кўриб хурсанд бўламан. Ўтган дарсда Паҳлавон Маҳмуд мавзуси ўтилган экан.

Саволлар тушяпти.

Жавоблар бўлаяпти.

Асосий дарс ҳам, мана, бошланиб кетяпти. Гап энди Паҳлавон Маҳмуд бобомизнинг буюклиги ҳақида боряпти. Бобомизнинг буюклиги ватанни, халқни севишида, унинг буюклиги раҳмдиллигу шафқатлилигида, соддалигу оққўнгиллигида. Гўзал, чиройли сўзлар бораяпти, сўзлар оҳанг билан, тўлқин билан ҳаяжонга лиммо-лим тўлган ҳолатда айтиляпти:

Борма айтмаганнинг дастурхонига,
Қўл узатсанг қадринг кетар, нонига.
Қўшма ўзгаларнинг барра кабобин
Қотган нону совуқ сувнинг сонига.

Буюк бобомизнинг буюклиги покликка, ҳалолликка, тозаликка, беқиёс қилган даъватларида кўринади:

Ёмон билан улфат бўлма, юр йироқ,
Йўлингга дон сочиб, қўйди тузоқ.
Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан
Ўқ ундан қанчалик қочганига боқ.

Аста-секин бутун бир гуруҳ ягона вужудга бирлашиб кетаётгандай, муаллимнинг гоҳ ғамгин, гоҳ қувноқ овози ҳаммаларини бир хилда бир ҳолатга келтириб қўяётгандек, худди Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг ўзи синф хонасига кириб келаётгандек, ўқувчилар билан ёнма-ён ўтиргандек, ҳар бирининг қулоғига ўз шеърларини шивирлаётгандек.

Паҳлавон Маҳмуднинг ҳинд паҳлавони билан кураш тушган ҳолатини муаллим шундай жозибали, ҳаяжонли сўзлар билан ҳикоя қилдики, назаримда, ҳар бир ўқувчи ўзини Паҳлавон Маҳмуд ўрнида ҳис қилгандек бўлди. Паҳлавон бобомиз жарга қулаб кетган ҳинд подшосини оти билан жардан елкасида кўтариб чиқаётганини таърифлаганда эса гуруҳдаги йигирма тўрт ўғил-қиз бирданига гоҳ ўнгга, гоҳ чапга буралиб, назарларида бамисоли ўша отни ўзлари кўтараётгандек бир ҳолатга тушди. Муаллима бу руҳий ҳолатларни шундай тасвирлаяптики, агар Паҳлавон Маҳмуд бобомиз подшони жардан кўтариб чиқмаса, хоразмлик қуллар озод бўлолмай қолади. Ана шундан қўрқиш ва шунга яраша ўзларини чоғлаш бутун синфда ҳукмрондек эди.

Тиқ этган овоз йўқ.

Ҳамма маҳлиё ҳолатида.

Гоҳо баъзи бир муаллимларнинг дарс ўтиш санъати ва ўзига тингловчини ром қила олиш маҳорати шундай юқори бўладики, тингловчи сехрланган ҳолатда қолади ва унинг ҳамма сўзлари қулоғига жо бўлади, деган гапларни кўп эшитардим.

Бу бор гапга ўхшайди.

Дарс ўз йўсинида давом этяпти. Муаллима ўтган ва бугун 40 дақиқа давомида берган сабоғини сўроқлашга ўтади. Берган сабоғини тингловчилар қанчалик ўзларига сингдирганини синаб кўришни бошлайди. Саволлар тўхтамай ёғилиб турибди. 24 қўл гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга тушади. Энг муҳими, талаба, албатта, мен жавоб беришим керак, деган бир ҳолатда турибди.

— Паҳлавон ҳазратларининг туғилган йили?

— 1247 йил.

— Вафотлари?

— 1326 йил.

— Асл исмлари?

— Пурёйвалий.

— Туғилган жойлари?

— Хива.

— Ота касби?

— Қассоблик.

— Ўзининг асл касби?

— Пўстиндўзлик.

— Эътиқоди?

— Тасаввуф йўналиши.

— Иқтидори намоён бўлган олам?

— Шеърият, рубоий.

— Бу материалларни қаердан оламиз?

— Ҳазрат Навоийнинг «Насойим ул муҳаббат» тазкираларидан.

— Яна қаерлардан оламиз?

— Тўхтасин Жалоловнинг тадқиқотидан.

— Паҳлавон ҳазратларига ким шеър бағишлаган?

Худди шу дақиқада бир йўла 24 қўл кўтарилди. Ҳар бир қўл эгаси бу шеърни мен айтаман, деган ҳолатда турибди ва айтганда ҳам ҳаммадан олдин айтаман, деган ҳолатни таъкидлаяпти.

Сирли оят эрур Беруний, Сино,
Руҳинг кириб борар, қаҳкашон аро.
Яссавий, Румийга саждалар раво,
Ажабдур, ўзбеклик қилсалар даъво,
Паҳлавон Маҳмудни танимаганлар.

Шеърни паст бўйли кўримсизгина гулдираган овозга эга бўлган ўсмир ўқиди. Шундай ўқидики, ҳалиги ҳолат, яъни Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг ўзи ушбу шеърни тинглаш учун атайлаб шу ўсмирнинг ёнига келгандай бўлди. Шеър баҳсини энди дуркунгина бир қиз бошлаб юборди.

Муқаннани билмас, Широқни билмас,
Жалолиддин кечган қирғоқни билмас,
Мўминмирзо солган фироқни билмас,
Мозий минг йил берган сабоқни билмас
Паҳлавон Маҳмудни танимаганлар.

Дарс тугади. Олган таассуротларим шундай ранг-баранг бўлдики, уларни онгим ва қалбимнинг қайси бурчига жойлашни билолмай анча маҳал карахт ҳолатда бўлдим. Муаллиманинг беқиёс дарс бериш санъатига, иқтисод йўналиши талабаларининг шеъриятимизга бўлган чексиз иштиёқига, бобою бобокалонларимиздан қолган меросга бўлган шунчалик катта муҳаббат билан қараётганларига, ҳар бирига алоҳида-алоҳида сўз айтгим келди, лекин ўша сўзларни тополмадим.

Баҳсдаги «ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузи ортмоқда» деган фикрга Юлдузхон Мирсобировадек фидойи муаллимларимиз сабаб бўлаётгандир деб ўйладим-да, лавҳамни якунлаб қўя қолдим.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Спорт

10-12 февраль кунлари "Тошкент теннис маркази" кортларида теннис бўйича Ўзбекистон ва Таиланд терма жамоалари Дэвис кубогининг Осиё-Океания минтақасидаги саралаш ўйинларида қатнашадилар.

Биринчи рақибимиз Таиланд

Кеча мусобақаларга қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Турнирда юртимиз шарафини яқинда Австралияда якунланган "Катта дубулға" туркумига кирувчи "Australian open" турнири қатнашчиси Денис Истомин ва иқтидорли теннисчиларимиз Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов ва Сарвар Икромовлар ҳимоя қиладилар. Таиланд жамоаси ҳам юртимизга кучли таркиб билан ташриф буюрган. Жаҳон теннис таснифида юқори поғоналарни эгаллаб турган Парадорн Шричапанни ҳамюртларимиз яхши танишади. Шунингдек, Данай Удомчок, Санчай ва Сонсат Ративатаналар ҳам халқаро майдонларда тажриба тўплашган. Хуллас, "Тошкент теннис маркази"га ташриф буюрганлар икки кун давомида қизиқарли ўйинлар гувоҳи бўлишади.

Кураш Доминикан ўйинлари қаторидан жой олди

Миллий қадриятимиз — ўзбек кураши дунёни забт этишда давом этмоқда. Пан Америка кураш конфедерацияси президенти Эдгар Клауренинг хабар беришича, шу йилнинг 18-25 февраль кунлари Санто Доминго шаҳрида бўлиб ўтиши кутилаётган Доминикан давлати ўйинлари қаторидан ўзбек кураши ҳам расман жой олган.

Курашимизнинг бундай ютуғи ҳамюртларимиз қалбини ғурурга тўлдириши табиий. Биздан минг километрлаб узоқликда жойлашган Пан Америка давлатларини забт этган миллий спортимиз — кураш тез орада Олимп чўққисини ҳам эгаллашига ишонамиз.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

MTS GSM UZDUNROBITA first cellular

"МТС - КОМПАНИЯ"
хизмат режаси

ТАРМОҚ ИЧИДА КИРУВЧИ АЛОҚА - БЕПУЛ!!!

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА - $0,06 (1 дақиқа учун)

АБОНЕНТ ТЎЛОВИ - $0,11 (кунига)



$0,03
Тармоқ ичида чиқувчи алоқа
(1 дақиқа учун)

«КОМПАНИЯ»ГА АЪЗО БЎЛИНГ!

1 февралдан «чақириқни бошқа телефонга ўтказиш» хизматидан фойдаланиш БЕПУЛ!
15 февралдан бошқа телефонга ўтказилган қўнғироқлар абонентнинг ўрнатилган хизмат режаси бўйича чиқувчи алоқадек нархланади.

Тўловлар сўнги ЎзРМБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган

ТАШКИЛОТ «НИССАН» автомобилининг ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ МОДЕЛЛАРИНИ, шунингдек, Тошкентдаги омбордан барча йўлларга мўлжалланган автомобилларини таклиф этади.

МАВСУМИЙ ЧЕГИРМАЛАР

«XTrail» ва «Infiniti»

Тўлов шакли — турлича.

Автосервис хизматлари — пул ўтказиш йўли билан.

Товар сертификатланган. МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 138-58-95. Тел.: 189-92-52.

Тошкент шаҳар биринчи Яккасарой давлат нотариал идораси ХОТБ «Бизнес банк» кредиторларининг талаб этиб олинмаган пул маблағлари 2006 йил 1 февралдан банк тугатиш комиссияси томонидан нотариал идора депозитига ўтказилганлигини маълум қилади.

O'ZSANOATQURILISHBANK акциядорлари диққатига!

«Ўзсаноатқурилишбанк» сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва банк кенгаши томонидан 2006 йил 30 январь куни қабул қилинган 57-сонли қарорга биноан, имтиёзли акциялар бўйича йиллик 40 фоиз ҳисобидан 2005 йилнинг 4-чораги учун 10 фоиз миқдоридаги оралиқ дивиденд тўланиши тўғрисида эълон қилади.

Дивидендларни 2005 йил 31 декабрь ҳолатигача ёпилган акциядорларнинг реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар олишлари мумкин. Дивидендларни олишга доир бўлган масалалар бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тегишли филиалларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Банк Кенгаши.

«VIRA INTERPRAYZIZ» МЧЖ бир лаҳзали

«ИШОНЧЛИ ЎЙИН»

пул-буюм лотереясида 40 та «Daewoo MATIZ» русумли автомашина ўйналган. Биринчи чиқарилган чипталарни сотиш ниҳоясига етганлиги муносабати билан ютуқли чипталар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб уч ой мобайнида тўлов учун қабул қилинишини маълум қилади.

Юқорида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ютуқли чипталар тўлов учун қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масъул ходим Саида Нуритдиновна Бурхоновага ўғли
Шаҳзод Шаукатович БУРХОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси жамоаси студия ходими Вазира Ғафуровага волидаи муҳтарамаси
Карима ая ХОЛМАТОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси бош муҳосиб Абдурауф Рустамовга отаси
АБДУАЛИМ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Шошилинч педиатрия кафедрасининг мудири, профессор Алишер Шариповга падари бузруквори
Мирҳамид ШАРИПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6